



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ СИЁСАТДА ЎЗИГА ХОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Иногамов Хаёт Илясович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг назарий асослари тадқиқ этилган. Унда молиявий сиёсатнинг шаклланишининг таъсири ва маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ёндашувлари тизимлаштирилган. Тадқиқотлар асосида илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган. Бунда давлатнинг унитар ёки федератив шаклда эканлиги нуқтаи назаридан илмий хулосалар асосланган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, молиявий мустақиллик, бюджет сиёсати, молиявий ваколатлар, ташаббусли бюджет, фуқаролар учун бюджет, бюджет шаффофлиги

Аннотация: В статье рассматриваются конкретные аспекты финансовой независимости местных бюджетов и ее теоретические основы. Систематизировано влияние на формирование финансовой политики и научных подходов отечественных и зарубежных ученых. На основе исследований были разработаны научные выводы и предложения. Научные выводы основаны на том, находится ли государство в унитарной или федеративной форме.

Ключевые слова: местный бюджет, финансовая независимость, бюджетная политика, финансовые полномочия, инициативный бюджет, бюджет для граждан, прозрачность бюджета.

Abstract: The article examines specific aspects of financial independence of local budgets and its theoretical foundations. It systematizes the influence of the formation of financial policy and the scientific approaches of local and foreign scientists. Based on the research, scientific conclusions and proposals were developed. Scientific conclusions are based on whether the state is in a unitary or federal form.

Key words: local budget, financial independence, budget policy, financial powers, initiative budget, budget for citizens, budget transparency

Кириш

Давлатчилик вужудга келгандан буён ҳукуматларнинг молиявий сиёсати ҳам эволюцион ривожланиш жараёнларини бошидан кечириб келмоқда. Шу боисдан, давлатчиликнинг шаклланишига монанд равишда молиявий сиёсат ҳам ўз ташкилий хусусиятига эга бўлмоқда. Молиявий сиёсатнинг шаклланиши мамлакат

марказий бошқарув органи ва ҳудудий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро молиявий ваколатларнинг тақсимланиши нуқтаи назаридан моҳиятга эга бўлади, десак тўғри бўлади. Натижада эса, молиявий сиёсатни амалга ошириш миллий иқтисодиётни барқарорлаштирилиши муҳим аҳамият касб этиб боради. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг кўплаб мамлакатларида ҳукуматларнинг молиявий сиёсатларини амалга оширишда давлатчилик тамойиллари ўзига хос аҳамият касб этаётган бўлсада, уларда ҳудудий молиявий сиёсатнинг ҳам сезиларли таъсир эга бўлмоқда.

Ҳудудий молиявий сиёсат мамлакатларда турлича хусусият билан амалга оширилаётган бўлсада, уларнинг моҳияти бир мақсадга йўналтирилганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳам бўлса миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, молиявий сиёсатни ҳар бир фуқарога етиб бориши ва уларнинг ҳаёт тарзларини қулайлаштириши муҳим касб этиши билан ажралиб қолмоқда. Бу борада, ҳудудий ҳокимият органларининг молиявий сиёсатларни амалга оширишдаги роли алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу боисдан, молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий молия субъектларнинг иқтисодий характери эътиборга молик бўлмоқда.

Ўзбекистон тажрибасида ҳудудий молиявий сиёсатни амалга оширилишида маҳаллий бюджет ваколатларининг тутган роли сезиларли тусга эга бўлмоқда. Умуман олганда, маҳаллий молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши икки векторли томонларга эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бунда маҳаллий молия органларининг ваколатлари доирасидаги молиявий сиёсат бўлса, бошқа жиҳатдан марказий ҳукумат органининг молиявий қоидаларни белгилаши билан ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотларимизда дастлаб молиявий сиёсатнинг давлатчилик жиҳатидан шаклланишига олиб келувчи омилларни тизимлаштиришга эътибор берамиз. Бунда давлатнинг унитар ёки федератив шаклда эканлиги нуқтаи назаридан илмий хулосаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Унитар давлатда қарорлар марказий ҳокимият томонидан қабул қилиниб, унинг имплементациясинибуту мамлакатда кузатиш мумкин бўлади. Бунда ҳудудий ҳокимият ваколатлари белгиланган доира даражасида амал қилиши ва асосан ижро нуқтаи назаридан таъсирга эга бўлиши билан ажралиб туради. Бунда молиявий сиёсатнинг турли субъектлар жиҳатидан фарқланишини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, унитар давлатларда молиявий сиёсатнинг шаклланиши қуйидаги хусусият билан ажралиб туриши мумкин, деб ўйлаймиз (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Унитар давлатларда молиявий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўрсаткич хусусияти	Давлат	Хусусий
Марказий	Мамлакатда амал қилади	Маълум субъект доирасида амал қилади
Ҳудудий	Объект бир хил, лекин предмет турлича бўлади	Объект ва предмет турлича бўлиши мумкин

Мавзуга ойда адабиётлар таҳлили

Молиявий сиёсатнинг турли ракурслардан вужудга келиш жараёнларини акс эттиришга эътибор берилган. Унитар давлатларда молиявий сиёсатнинг искал ва монетар элементлари марказий ваколатли органлар томонидан белгилаб берилиши билан хусусиятли ҳисобланади. Бунда мамлакат монетар ташкилоти (аксарият мамлакатларда Марказий банк деб юритилади) ва парламенти (Ўзбекистонда Олий Мажлис ҳисобланади) ваколатлари орқали марказий молиявий қарорлар ва регламентлар белгилаб берилади.

Монетар сиёсат мамлакат Марказий банки томонидан миллий пул бирлигининг қадрини ошириш ва инфляцияга қарши курашда муҳим қарорларни қабул қилади. Унга қуйидаги йўналишларни киритиш мумкин, деб ҳисолаймиз:

Биринчидан, пул-кредит сиёсати. Миллий валюта қадрини тушиб кетишини олдини олишга қаратилган пул-кредит сиёсати. Бунда инфляцияни жиловлаш (очиқ бозор сиёсати), дисконт ставка ва тижорат банклари учун мажбурий захира меъёрларини белгилаш кабиларни келтириш мумкин. Ушбу йўналишда молиявий сиёсатни амалга ошириш билан миллий валютанинг қадрини оширишга эришиш, натижада мамлакатда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Проф. М.Курбонбекова [1] ўзининг мақоласида мажбурий захира инструментида миллий валюта барқарорлигига бўлган таъсири тадқиқ этилган. Унинг фикрича, Марказий банкнинг мажбурий захира билан боғлиқ қоидалари тижорат банклари учун ҳимоя ёстиқчасини бажариши лозимлиги қайд этилади. Жумладан, ликвидликни таъминлаш, инфляцияни тартибга солиш каби жиҳатлар билан алоҳида ажралиб туриши таъкидлаб ўтилади.

Иккинчидан, валюта сиёсати. Бунда мамлакатда амалга ошириладиган хорижий валюта билан боғлиқ муносабатларида юридик ва жисмоний шхслар учун амал қилиниши лозим бўлган қоидаларнинг ишлаб чиқилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу молиявий сиёсатдан кўзланган мақсад мамлакатда миллий валютанинг девалвациясига қарши барқарор бўлишини таъминлаш бўлса, бошқа жиҳатдан мамлакат тўлов балансининг хавфсизлигини таъминлашни ифодалаб беради.

Бу борада, доц. С.Х. Жумаева ўзининг монографиясида қуйидаги илмий хулосани келтириб ўтади: “Сўм алмашув курсига босимнинг юқорилиги (импортнинг экспортдан кескин ошиши, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш) сақланиб қолаётган бир шароитда, сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан номинал курсининг кескин тебранишини силлиқлаш (текислаш) мақсадида валюта интервенциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [2]”, деб таъкидлаб ўтади.

Мамлакатнинг парламенти фискал сиёсат жиҳатидан ҳал қилувчи қарорларни қабул қилиши билан ажралиб туришини қайд этиш лозим. Бунда давлат бюджетининг харажатлари ва даромадлари, шунингдек давлат қарзи билан боғлиқ йўналишларини белгиланиши кабилар билан ўз аксини топади.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш борасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг шакллантирилиши фискал сиёсатнинг таркибида солиқ сиёсатининг вужудга келишига олиб келади. Бу эса, белгиланган қоидалар

бутун мамлакат ичида барча субъектларнинг молиявий фаолиятига таъсир қилмай қолмайди.

Бу борада, проф. У.Нормурзаев ўзининг фикрларини келтириб ўтади. Унинг фикрича, солиқ инспекция органлари мамлакатда яширин иқтисодиётнинг ривожланиб кетишининг олдини олиш ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши таъкидлаб ўтилади [3].

Фикримизча, солиқ сиёсати мамлакатда давлат томонидан амалга ошириладиган марказий молиявий сиёсат шаклларида бири эканлигини қайд этиш лозим. Мазкур сиёсат миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва тартибга солишда сезиларли таъсирга эга бўлган йўналиш эканлигини кўриш мумкин.

Марказий молиявий сиёсат таркибида давлат харажатлари билан боғлиқ жиҳатлар борки, унинг мавжудлиги иқтисодиётда ялпи талабни тўминлашда муҳим аҳамият касб этиб боради. Шу боисдан, давлат иқтисодиётда истеъмолнинг ўсишига ўзининг мазкур сиёсати орқали сезиларли таъсир эта олишини таъкидлаш лозим.

Биз тадқиқотларимизнинг асосий қисмида айнан давлатнинг харажатлари билан боғлиқ бўлган йўналишларни тадқиқ этиш, айниқса ҳудудий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган молиявий қарорларга доир илмий хулосаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий ваколатларини амалга оширишларидаги мустақиллигини янада такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар кам учрайди.

Жумладан, проф. Д.А. Рахмонов ўзининг докторлик диссертациясида давлат бюджетидан ижтимоий соҳани молиялаштиришга эътибор беради. Унинг фикрича, давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари орқали мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш мумкинлигини асослаб беради. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бюджет маблағларидан фойдаланиш борасидаги устуворликлар сифатида бюджет ташкилотларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга эътибор бериш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади [4].

Умумий хулоса қилиб айтганда, мамлакатда марказий молиявий сиёсат монетар ва фискал сиёсатларда ўз аксини топади экан. Ушбу сиёсат йўналишлари давлатнинг марказий ваколатли органлари томонидан амалга ошириш учун ишлаб чиқилади экан. Бунда молиявий сиёсатни мувофиқлаштириб бориш марказий ҳукумат томонидан таъминланишини инобатга олиш зарур бўлади.

Унитар давлатларда ҳудудий молиявий сиёсат омиллари ҳам амалга оширилишини қайд этиш лозим. Бунда марказий ҳукуматнинг роли сезиларли катта бўлсада, иқтисодиётнинг ривожланиб бориши ва сиёсий либерализмнинг ошиши натижасида ҳудудий давлат молия органларининг мустақиллиги ҳам ошиб боради.

Унитар давлатларда ҳудудий молиявий сиёсат йўналишлари марказий органлар томонидан белгиланган йўналишларда амалга оширилсада, қисман ўзгаришлар қилишга ваколатлар билан ривожланиб боради. Бу эса, ҳудудий молиявий сиёсатни фискал сиёсат кесимида қайта-қайта кўриб чиқишга ва уни босқичма-босқич либераллаштириб боришга бўлган заруратни кўрсатиб беради.

Таҳлил ва натижалар


Бизнингча, фискал сиёсат таркибининг бюджет даромадлари ва харажатлари нуқтаи назаридан ҳудудий молиявий ваколатларни кенгайтириб бориш муҳим ҳисобланади. Бунда бюджет харажатлари йўналишида қисқа ва узоқ муддатли даврларда ваколатларни вертикал тақсимлашни оптималлаштириш долзарблик касб этади.

1-жадвалда келтирилган ҳолат бўйича фикримизни янада аниқлаштиришни қуйида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Фискал сиёсатни ҳудудий жиҳатдан амалга оширишда умумбелгиланган мақсадлар доирасида ҳудудий кўрсаткичлар ва айрим жараёнлар бир-биридан фарқ қилиш мумкин. Бунда солиқ сиёсати жиҳатидан белгиланган айрим солиқ ставкалари минтақалар бўйича фарқланиши мумкин. Масалан, жисмоний шахсларнинг ижара ҳисобидан оладиган даромадларини солиққа тортишда фоиз ставкаси бир хил бўлсада, улар учун белгиланган ижара қиймати минимал миқдори турлича эканлигидан келиб чиқилади. Бошқача айтганда, ҳудудий сотиб олиш қобилиятининг даражасидан келиб чиқиб солиқ ставкалари ўзаро фарқланиши мумкин.

Шу билан бирга, бюджет харажатларининг йўналишлари ва уларнинг ҳажмларини белгилашда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини оптималлаштириб бориш муҳим хусусият касб этади. Масалан, фуқароларнинг ташаббуслари доирасида шакллантирилиши амалга оширилаётган давлат дастури лойиҳаларини молиялаштиришни келтириш мумкин.

Доц. Н.Примова маҳаллий бюджетлар даражасида молиявий қарорларни қабул қилишга доир бўлган ўзининг илмий хулосаларини ишлаб чиқади [5]. У томонидан, маҳаллий бюджетлар молиявий стратегиясида харажатларни молиялаштиришда марказлашган, ташаббусли ва ҳудудий хусусият нуқтаи назаридан тизимлаштириб беради. Унинг фикрича, маҳаллий бюджетларда мустақил молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда иерархик амалиётни жорий этиш, очиқлик коэффицентини ишлаб чиқиш ва уларнинг натижадорлигини белгилаш каби элементларни ажратиш кўрсатади (1-расмга қаранг).



1-расм. Маҳаллий бюджетлар молиявий стратегиясида харажатлар ва уларнинг аҳамияти модели

Давлат молиявий сиёсатининг билвосита таркибий қисми ёхуд унинг ҳосиласи сифатида шаклландиган молиявий сиёсат шакли бу – хусусий сектор томонидан ишлаб чиқилган сиёсатдир. Бунда молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши хусусий молиявий манфаатларни кўзлаган ҳолда, лекин умумдават белгиланган молиявий доиранинг чегарасидан чиқмаган тарзда амалга оширилиши билан хусусиятланади.

Масалан, тижорат банкларининг кредит сиёсати монетар сиёсатнинг белгиланган мезонлари асосида мустақил равишда истеъмолчига йўналтирилган мақсадда ишлаб чиқилади. Бунда тижорат банкининг молиявий манфаатдорлиги кўзланган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлар тақдим этилиб борилади.

И.Қуллиев томонидан тижорат банкларининг жисмоний шахслар учун кредит тақдим этишларига доир илмий хулосаларини мисол сифатида келтириш мумкин [6]. Унинг хулосасига кўра, тижорат банклари кредит маҳсулотларини ишлаб чиқишларида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиши ва истеъмолчига йўналтирилган бўлиши, уларнинг даромадларига мослашишни назарда тутиши каби жиҳатлар тижорат банкининг тўлақонли молиявий мустақил ўзгаришлар қила олиши мумкинлигига ишора қилади.

Шунингдек, проф. О.Юлдашев ҳам суғурта сиёсатига доир айрим хулосаларни келтириб ўтади [7]. Унинг фикрича, ҳаёт суғуртаси аҳолининг реал даромадлари билан статистик аҳамиятли тарзда боғланган ва ўзаро уйғунликда ривожланишга мойиллигини асослаб беради. Шунингдек, ҳаёт суғуртасига доир истеъмолчига йўналтирилган молиявий қоидаларни жорий этишда суғурта компанияларига доир бўлган илмий тақлифлари уларнинг ҳам тўлақонли молиявий мустақил эканлигини ифодалашга хизмат қилади.

Таdqиқотлар асосида қуйидаги илмий хулосаларни келтириш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, хусусий секторнинг молиявий сиёсати давлат молиявий сиёсатининг ҳосиласи бўлсада, улар тўлақонли мустақил молиявий қарорлар қабул қила олиш имкониятини ифодалаб беради.

Иккинчидан, хусусий сектор молиявий қарорларни ишлаб чиқишда ўзининг молиявий манфаатларини бирламчи, қолган кейсларни иккиламчи характер билан таҳлил қилишини инобатга олиш зарур бўлади.

Молиявий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатдан амалга оширилишида унитар давлатнинг хос хусусиятларини кўриб чиқиш билан бирга, федератив давлатнинг ҳам айрим тажрибаларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

2-жадвал

Федератив давлатларда молиявий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўрсаткич хусусияти	Давлат	Хусусий
Марказий	Мамлакатда амал қилади	Маълум субъект доирасида амал қилади
Ҳудудий	Ўзаро фарқланади	Объект ва предмет

турлича бўлиши мумкин

Федератив давлатларда молиявий сиёсат унитар давлатларникидан кўра бирмунча фарқли жиҳатлари мавжуд. Мазкур давлатларда молиявий сиёсатни амалга оширишда бир қатор либерализм омилларининг кенглигини кузатиш мумкин. Бунда федерациянинг таркибий қисми бўлган ҳудудий ҳукуматлар ўзларининг мустақил молиявий сиёсатларини юритишлари мумкинлиги билан унитар давлатлар тажрибасидан сезиларли фарқ қилади.

Бизнингча, молиявий сиёсатни хусусий сектор томонидан амалга оширилади катта фарқлар кузатилмасда, давлат секториди бирмунча фарқли жиҳатларни кўриш мумкин. Биз тадқиқотимизда ҳам давлатнинг молиявий сиёсатига доир бўлган характерли жиҳатларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Федератив давлатларда таркибий минтақалари нафақат ўзларининг мустақил молиявий сиёсатларига, балки мустақил конституцияларига ҳам эга бўлишлари мумкин бўлган ҳолатларни кузатиш мумкин.

Улардаги молиявий мустақилликнинг юқорилиги боис фискал сиёсатни амалга оширишда бир қатор фарқланишни кўриш мумкин. Бироқ, монетар сиёсатда сезиларли фарқларни кузатмаслигимиз мумкин. Бунинг сабаби миллий валютанинг қадрини ошириш ва инфляция таргетлаш каби устувориклар бутун мамлакатда умуммиллий хусусиятга эга бўлиши сабабли фарқли характерга эга бўлмайди.

3-жадвал

Хорижий давлатларда инқирозга қарши бошқарув фаолияти

Амалга оширилган тадбирлар	Давлатлар					
	АҚШ	Б.Британия	Германия	Норвегия	Япония	Ж.Корея
Молиявий секторни барқарорлаштириш	+	+	+	+	+	+
Пул-кредит сиёсати	+	-	-	+	+	+
Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш	+	+	+	+	+	+
Солиқ сиёсати	+	+	+	+	+	+
Бюджет сиёсати	+	+	+	-	+	+
Реал секторни қўллаб-қувватлаш	+	+	+	+	+	+

Федератив ҳукумат молиявий сиёсатга доир бўлган умумий ёндашувлар ва мамлакатни ривожлантиришга қаратилган устуворликларга доир бўлган мақсадларни ишлаб чиқади. Ушбу тенденциялардан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда молиявий сиёсатни мустақил белгилаш ва амалга оширишга йўналтирилган йўналишлар уйғунлаштирилишини таъкидлаш лозим.

Н.Юлдашева томонидан айрим федератив давлатларда инқирозга қарши бошқарув юзасидан молиявий сиёсатнинг хусусиятларини таҳлил этилиб ўтилади (3-жадвалга қаранг) [8].

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, федератив давлатларнинг кўплаб тажрибаларида молиявий сиёсат алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса, уларда инқирозга қарша курашда ҳам федератив давлатлар молиявий сиёсатдан кенг фойдаланаётганлиги ва ундаги эркинлик даражасининг сезиларли аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидаш лозим.

Федератив давлатларда ҳудудий молиявий мустақиллик унитар давлатлардаги тажрибаларга кенгроқ характер касб этишини қайд этиш лозим. Бу эса, молиявий мустақиллик категориясига нисбатан ёндашувда давлатчилик тузилишини инобатга олиш заруратини ифодалаб беради. Шу боисдан, молиявий мустақилликни ривожлантиришда марказий ва ҳудудий ҳокимият органлари ўртасидаги молиявий ваколатларни мувозанатли тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса

Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор берилаётганлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Биринчидан, ўз даромадлар базасига эга бўлиш. Бунда ҳудуднинг даромадларни шакллантириш манбаларига эга бўлиш салоҳиятини аниқлаш ва уни баҳолашга эътибор бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Иккинчидан, бюджет харажатлари борасида молиявий мустақиллик бюджетлараро муносабатлар, бюджет харажатларини бошқаришда очиқликнинг таъминланиши каби устувор йўналишлар эътиборга молик эканлиги асослаб берилмоқда.

Учинчидан, ҳудудий бюджет сиёсатининг молиявий мустақиллигини таъминлашда фуқаролар иштирокини янада такомиллаштириш. Бунда бюджет харажатларини тақсимлашда аҳолининг роли ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида кенг тушунтириш тадбирларини амалга ошириш зарурлиги таъкид этилганлигини кўриш мумкин.

Бизнингча, маҳаллий бюджетлар харажатларини тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашда ҳудудларнинг иқтисодий характерини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, умумий молиявий ваколатларни марказий ва ҳудудий нуқтаи назардан тизимлаштириш, уларни такрорланмаслик хусусиятини эътиборга олиш. Шунингдек, уларнинг тақсимотида давлатчиликнинг вертикал тузилишини инобатга олиш ўзига хос хусусият касб этади.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларнинг харажатларини тақсимлашда ҳокимият органларининг молиявий ваколатларини молиявий мустақилликни тўлиқ, қисман ва чегараланган тамойили асосида жорий этиш. Бунда тўлиқ молиявий мустақиллик тамойили – маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишда молиявий қарорлар қабул қилиниши тўлиқ мустақил ҳолда амалга оширилишини назарда тутиш.

Қисман молиявий мустақиллик тамойили жорий этилишида фуқаролар ёки бошқа манфаатдор субъектнинг молиявий қарор қабул қилишдаги иштирокини назарда тутиш. Чегараланган молиявий ваколатда юқори турувчи ташкилотнинг

кўрсатмалари асосида молиявий фаолиятни амалга оширишни ўзида ифода этишини эътиборга олиш зарур, деб ўйлаймиз.

Умумий хулоса қилиб айтганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги унитар давлатларда маълум молиявий мезонлар асосида иқтисодий характери ни либераллаштириш каби жиҳатларни ифодалаш муҳим аҳамият касб этади экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбонбекова М. Ўзбекистонда мажбурий захира инструменти ва тижорат банкларининг хорижий валютадаги фоиз сиёсати //Economics and Innovative Technologies. – 2022. – Т. 10. – №. 4. – С. 10-24.

2. Жумаева С.Х. тўлов балансини тартибга солишда валюта курси сиёсатининг ролини ошириш йўллари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2024. – Б. 108

3. Нормурзаев У. Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари //Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 177-182.

4. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 72 б.

5. Примова Н.И. Маҳаллий бюджетларда молиявий стратегияни ривожлантириш йўналишлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2022. – 61 б.

6. Қуллиев И. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий жиҳатлари//Economics and Innovative Technologies. – 2023. – Т. 11. – №. 3. – С. 1-11.

7. Юлдашев О. Ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг Хитой тажрибаси //Страховой рынок Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 14-17.

8. Юлдашева Н. А. Инқирозга қарши бошқарувда давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2020. – №. 2 (134). – С. 170-177.

Copyright © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

